O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
F 20209

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 1-yanvar • Payshanba • 1 (27.962) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**2009 ЙИЛ – ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ**



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги — 2009 йил билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

2008 йил ўз поёнига етиб бормоқда. Айтиш керакки, якунланаётган йил мамлакатимиз учун осон бўлмади. Йил давомида заҳматкаш деҳқонларимиз учун жиддий синов бўлган қаттиқ қурғоқчилик ва сув танқислигини, иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ҳамда кундалик ҳаётимиздаги турли қийинчиликларни енгиб ўтиш, бир қатор муаммоларни ҳал этиш учун катта куч ва имкониятларни сафарбар этдик.

2008 йилда вужудга келган ва тобора кучайиб бораётган жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва аҳоли фаровонлигига хавф туғдирмаслик мақсадида ўтган давр мобайнида ўта зарур дастурларни амалга оширишга тўғри келди ва бу ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Ана шундай муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2008 йил мобайнида иқтисодиётимизни босқичма-босқич ривожлантириш ва халқимиз ҳаёт даражасини юксалтириш йўлида салмоқли натижаларга эришдик.

Бу ҳақда гапирганда, сўнгги икки йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоиздан кам бўлмаганини, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори эса ўртача 2 баробар ортганини, қишлоқ аҳолисининг даромадлари сезиларли даражада кўпайганини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Бугунги кунда бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъёридан ошмагани, янги ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва модернизация қилиш ишларининг кўлами кенгайиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб бораётгани, албатта ҳаммамизга қувонч ва ғурур бағишлаши табиийдир.

Ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, эришган марраларимизнинг асосий мезони ва омиллари ҳақида гапирганда, авваламбор қуйидаги масалалар хусусида сўз юритишни ўринли деб биламан.

**Биринчидан,** бундай улкан ютуқлар шу заминда яшаётган, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, барча инсонларнинг азму шижоати, уларнинг ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончи, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сақлаш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган фидокорона меҳнати натижасидир.

**Иккинчидан,** буларнинг барчаси мамлакатимизни демократик янгилаш бўйича чуқур ўйланган ислоҳотлар сиёсатини изчил амалга ошириш, сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, эркин иқтисодиёт ва фуқаролик институтларини янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасидир.

**Учинчидан,** бундай натижалар — мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларимизга берилаётган катта эътибор, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган улкан ишларимизнинг ёрқин намоёни, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ўғил-қизларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, Кадрлар тайёрлаш умуммиллий дастурини ҳаётга жорий этиш, олий ўқув юртларини, янгитдан барпо этилган лицей ва коллежлар битирувчиларининг жамиятимизни янгилаш, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган том маънодаги ҳал қилувчи кучга айланиши учун мамлакатимизда янги имконият ва шароитлар туғдириб берди.

**Тўртинчидан,** бизнинг тараққиёт йўлида олдинга юришимизнинг асосий таянчини шунда кўриш керакки — ҳаётимизнинг ўзгариб бориши билан инсон ўзгармоқда, одамларимизнинг ўзи, уларнинг дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати ўзгариб, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, фуқаролик онги ва масъулияти кучайиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз ватандошларимга мавжуд муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтиш борасида кўрсатган ғайрат-шижоатингиз, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётини таъминлашдаги фидокорона меҳнатингиз учун чин қалбимдан самимий ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадрли дўстлар!

Мана шундай шукуҳли дамларда, ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз кириб келаётган янги — 2009 йилда ҳаётимиз бугунгидан ҳам яхшироқ бўлишини, ўз қобилият ва имкониятларимизнинг янада тўлиқ рўёбга чиқишини, барча эзгу орзу-умидларимиз амалга ошишини ният қиламиз.

Бугун, 2009 йил остонасида туриб, янги йил Ўзбекистон учун мамлакатни изчил ривожлантириш ва модернизация қилиш, бошланган ислоҳот ва ўзгаришларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш йили, молиявий инқирозга қарши самарали дастурларни амалга ошириш, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш ва рағбатлантириш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини ошириб бориш йили бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Биз 2009 йилни юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилдик. Шу борада ўз олдимизга қўйган асосий мақсадлар — аввало қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги уй-жойлар, йўл ва коммуникация тармоқларини қуриш ва янгилаш, аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, одамларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим тизимини мустаҳкамлаш, мухтасар айтганда, қишлоқларимизда турмуш ва маданият даражасини юксалтириш билан бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинган 2009 йилда амалга ошириш кўзда тутилаётган чуқур ва кенг кўламли барча ўзгаришларнинг замирида **қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади,** деган оддий ва ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқат мужассамдир, десак, ўйлайманки, халқимизнинг фикру зикрини ифода этган бўламиз.

Айнан ана шундай мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳисобидан биз пировард натижада юртимизнинг янада гўзал қиёфа касб этиши ва халқимиз фаровонлигининг юксалиши, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли ва мустаҳкам пойдевор яратишга эришамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2009 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

2009 йил кириб келиши муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан халқимизга тинчлик-осойишталик, бахт-саодат, равнақ ва фаровонлик тилаб эзгу ниятлар изҳор этилган самимий қутловлар келиб турибди.

Жумладан,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун;

Иордания Подшоҳи Абдуллоҳ II;

Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Владимир Путин;

Япония Бош вазири Таро Асо;

Испания ҳукумати Раиси Хосе Луис Родригес Сапатеро;

Эрон Ислом Республикаси Президенти Маҳмуд Аҳмадийнежод;

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулазиз Бутефлика;

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс;

Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус;

Канада Генерал-губернатори Мишель Жан ҳам ўз табрикномаларини йўллаган.

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

# «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ШОДИЁНАЛАРИ

Мамлакатимизда ёш авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом ва теран тафаккурли, пухта билимли, юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшларни жамиятнинг етакчи кучи, ишончи ва таянчига айлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий соҳалардаги кенг кўламли ислоҳотлар ҳам айни шу хайрли ва эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

2-бет >





## 2008 ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**16 ЯНВАРЬ** куни Тошкентда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросими бўлиб ўтди. Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномаси топширилди. Конституциямизнинг 92-моддасига мувофиқ, Президент Ислом Каримов қасамёд қилди.

**29 ФЕВРАЛЬ.** Президентимизнинг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида барча манбалар ҳисобидан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, 1 триллион 96 миллиард сўмлик давлат маблағи, 151 миллиард сўмдан ортиқ ҳомийлар маблағи сарфланди.

**1 МАРТ** куни пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ҳайкали очилди.

**2 АПРЕЛЬ.** Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

**3 АПРЕЛЬ** куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бухарестда НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**28 АПРЕЛЬ.** Президентимиз Қарорига кўра, Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиали ўз фаолиятини бошлади.

**1-4 МАЙ** кунлари Тошкентда 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтди. Юртимиз ёшлари 13 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

**19-20 МАЙ** кунлари Қорақалпоғистонда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов қатнашчиларга табрик йўллади.

**23 ИЮНЬ.** Президентимизнинг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.



✓ Ўзбекистон — Корея

# ХАЛҚАРО АЭРОПОРТ

## ёки Работи Маликдаги бунёдкорлик ишлари

Якунланган 2008 йил халқ хўжалигининг барча соҳаларида юксалиш йили бўлди дейишга тўлиқ асосларимиз бор. Буни Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигида бунёд этилган Навоий халқаро аэропорти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мазкур муҳим қадам мамлакатимизни наинки шарқ давлатлари балки бутун дунё билан алоқа қилиш имкониятини яратди.

Навоийдаги мазкур халқаро аэропортнинг барвақт қуриб ишга туширилиши — ўзбекистонликларнинг нималарга қодирлигини яна бир карра исботлаб берди. Шунингдек, аэропорт очилиши билан бир қаторда Жанубий Кореянинг энг нуфузли «Korean Air» авиакомпанияси билан қарийб ярим асрга шартнома имзоланди.

Шу ўринда икки оғиз сўз «Korean Air» ҳақида. Айни кезда бу обрўли авиакомпания жаҳоннинг қарийб 50 га яқин катта-кичик давлати билан халқаро ҳамкорликка эга. Бундан ташқари, Буюк ипак йўлида жойлашган Навоий аэропорти иқтисодиётимизни комплекс ривожлантириш, транспорт коммуникацияси ва инфратузилма тараққиёти учун ҳам ўта мақбул нуқта ҳисобланади.

«Korean Air» авиакомпанияси раиси Уо Янг Хо Навоийда бўлиб, ушбу халқаро аэропортнинг келажаги порлоқ эканлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда илк бор ташкил этилаётган минтақалараро ҳудудий замонавий интермодаль логистика маркази ҳозироқ юртимизни Корея, Италия, Хитой, Россия, Япония сингари мамлакатлар билан боғлади.

— Аэропортимиз халқаро мақомга эга бўлгач, масъулиятимиз ҳам икки ҳисса ортди, — дейди директор Вафоқул Мўйинов. — Чунки қарийб 800 гектар майдонни эгаллаган, тўрт километрлик учиш-қўниш йўлаги бўлган, шунингдек, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти — ИКАО талабларига тўла жавоб берадиган логистика марказини барпо этишнинг ўзи бўлмайди. Барча ишларга масъул 470 нафар аэропортимиз жамоаси қисқа вақт ичида энг замонавий кучли ёруғлик сигнализацияси ва аэронавигация ускунасини ишга туширди.

Ҳа, Навоий аэропорти Ўзбекистонга жаҳон мамлакатлари учун кенг эшиклар очмоқда. Дастлабки кунлари «Боинг-747» юк ташиш самолёти парвоз бошлаган бўлса, эндиликда «ТУ-154» йўловчи ташиш самолёти ҳам «Навоий-Москва», «Москва-Навоий» оралиғида уча бошлади. Яқин орада бу ерга Россиянинг «Ил-76» оғир юк транспорт самолёти ҳам келиб қўнади.

Республикамиз Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони Навоий халқаро аэропорти обрўсини янада ошириб юборди. Шу кунларда аэропортда бўлсангиз унда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларидан ҳайратга тушасиз. 110 ўринли «Буюк ипак йўли» меҳмонхонаси дейсизми, йўловчилар учун кутиш зали дейсизми, самолётларга техник хизмат ва ёнилғи қуйиш бўлинмалари дейсизми — ҳаммаси халқаро талаблар асосида ташкил этилган.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# САМОДА... ТАБРИКЛАЙМИЗ



Янги йилни кўпчилик ўз яқинлари даврасида кутиб олади. Лекин шундай касб эгалари борки, улар хизмат тақозосига кўра байрамни...

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг айрим ходимлари эса 2009 йилни самода кутиб олишига тўғри келади.

Мамлакатимизнинг асосий ҳаво дарвозаси — «Тошкент» халқаро аэропортидаги кўкка бўй чўзган мовий минорада жойлашган Ҳаво ҳаракатларини бошқариш маркази — «Ўзаэронавигация»га кириб борганимизда соат миллари эски йилнинг охирги дақиқалари ҳам ўтиб бораётганини кўрсатарди.



— Янги йил кириб келаётган дақиқаларда навбатчилик гуруҳига Александр Ли бошчилик қилмоқда, — дейди ҳамроҳимиз, марказ бошлиғи Алишер Ашуров. — Малакали мутахассисларимиз олтмишга яқин режавий ички ва халқаро авиақатновларга хизмат кўрсатиб, парвозлар хавфсизлигини таъминлайдилар.

Янги йил кираётган шу лаҳзаларда бизнинг кўплаб учувчиларимиз ва борт кузатувчилари Ҳиндистон, Покистон, Таиланд, Жанубий Корея, Япония сингари давлатлар осмони узра парвоз қиладилар. Ўз мижозларини байрам билан самода табриклайдилар. Биз ҳам уларга «Янги йилингиз муборак бўлсин! Парвозингиз бехатар ўтсин» деймиз.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**





2008 йилда Нукус темир йўл вокзали қайта таъмирдан чиқарилиб, йўловчилар учун зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратилди.

Айни пайтда темир йўл вокзали жамоаси йўловчиларни манзилларига ўз вақтида етказиш ва халқ хўжалиги юкларини ташиш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Суратларда:** *Нукус темир йўл вокзали кўриниши; Нукус темир йўл вокзали навбатчиси Жанабой Кенжамуродов.*

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар**

# БАЙРАМНИ ХИЗМАТ ПОСТИДА КУТИБ ОЛИШАДИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 6-тез тиббий ёрдам станцияси иш фаолиятидан барча мамнун. Шохобча ходимлари аҳолидан тушаётган «тез ёрдам» чақириқларни зудлик билан юқори савияда бажаришга бел боғлашади. Беморларга аниқ ташҳис қўйиш, шошилинч муолажа қилиш, шифо масканларига тезроқ етказиш борасида бой тажрибага эга. Мазкур саломатлик масканида 72 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Мавжуд 13 та тез ёрдам машиналари зарур дори-дармон ва тиббий воситалар билан тўла таъминланган.



— Бу йилги янги йил байрами оқшомини станциямизнинг Ҳакимбой Рўзибоев бошчилигидаги смена ходимлари хизмат постида кутиб олишаяпти, — дейди шохобча раҳбари Роҳатой Юсупова. — Туманимиз аҳолисининг байрамни хотиржам ва хурсандчилик билан кутиб олишларига озми-кўпми улуш қўшаётганимиздан хурсандмиз...

**Умида МАНСУРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат**

## Янги йил орзулари

**Равшан МИРЗАЕВ, Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицейи ўқувчиси:**



— 2008 йил мен учун жуда омадли келди. 42-халқаро Менделеев олимпиадасида қатнашиб, кумуш медаль билан тақдирландим. Бу ютуққа эришишимда устозим Раъно Жўраеванинг хизматлари катта бўлди. Олимпиада давомида кўп дўстлар орттирдим. Умид Қодиров (Тожикистон), Анастасия Забильская (Украина), Андрей Кононов (Белоруссия)лар билан интернет орқали хат ёзишиб турамиз. Улар ҳали ҳам Тошкентдаги самимий учрашувлар Самарқанд таассуротларини ҳаяжонланиб эсга олишади.

2009 йилда олимпиадада қўлга киритган имтиёздан фойдаланиб, Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга кирмоқчиман.

**Мунаввархон АҲМАДАЛИЕВА, Тўрақўрғон туманидаги 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, ЎзХДП аъзоси:**



— Якунланаётган йил оддий қишлоқ муаллимаси сифатида мен учун ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлди. 29 сентябрь куни одатдагидек эрталаб мактабга келсам, дарвоза олдида мени ХДП туман кенгаши раиси Орифжон Охунов қарши олди.

Хуллас, ўша куни Президентимиз Фармонига кўра, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» юксак унвони билан тақдирланганимни партиямиз раҳбаридан эшитдим.

30 йиллик меҳнат фаолиятим кўз олдимда намоён бўлди. Устозларимни эсладим. Ўқитувчиларим, жонажон мактабим ҳақида ўйладим... Янги йил билан, энг аввало, мамлакатимиз муаллимларини, барча ёшларни қутлайман.

**Отабек ТИЛЛАЕВ, ЎзМУ журналистика факультети 4-курс талабаси:**



— Ортда қолаётган йил чиндан ҳам мен учун омадли келди. Илк шеърлар тўпламим «Ердаги осмоним» нашрдан чиқди. Энг муҳими, бу йил мен журналистика йўналиши бўйича Президент стипендиясига сазовор бўлдим. Айни кунларда педагогика фанлари номзоди Фарида Эгамбердиева илмий раҳбарлигида ОАВ ривожи ва бу йўлда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар хусусида иш олиб бораяпман. Эндиги ниятим — мамлакатимиз ва дунёнинг турли нуқталарида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан тенгдошларимнинг шахсий муносабатини ифодалашга хизмат қилувчи теле-кўрсатув ташкил этиш. Янги йил барчамизга эзгуликлар олиб келсин.

**Венера ПИРНИЯЗОВА, Ўзбекистон давлат санъат институти Нукус филиали 1-курс талабаси:**



— Ёшлар йилида Қорақалпоғистонда мазкур илм даргоҳининг филиали очилди. Тест синовларини муваффақиятли топшириб, ушбу даргоҳ талабаси бўлдим.

Бугун юртимизда 3 та давлат, 8 та халқ театри, 21 та санъат мактаби, шунингдек, бошқа муассасаларда ҳам юзлаб ансамбллар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Ўз-ўзидан санъатни чуқур тушунадиган малакали кадрларга эҳтиёж бор. Ўйлайманки, келгусида филиалимиз мана шу даргоҳларда ишлайдиган, ўз соҳасини пухта ўзлаштирган мутахассисларни тайёрлаб берадиган марказга айланади.

**Шоҳруҳ АЛИБЕКОВ, Малайзия Осиё-Тинч океани технологияси ва инновацияси университети талабаси:**



— Юртдан узоқдалигинг мана шундай байрамларда билинар экан. Айниқса, Янги йилда. Яқинларингни соғинасан, қумсайсан. Тўғрисини айтсам, онажоним пиширадиган мазали овқатлар кўз олдимдан ўтади. Мана икки йилдирки, Янги йилни Куала-Лумпурда ўзбекистонлик талабалар билан бирга кутиб олаяпмиз.

Ўтган йил юртимизда Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинганини айтганимда, чет эллик тенгдошларимнинг менга ҳаваси келганди. Уларга юртимизда ёшларга яратилаётган шароитлар, имкониятлар ҳақида гапириб бердим.

Янги йилни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланганини Интернет орқали ўқиб-билдим. Мен қишлоқларимизда кичик саноат корхоналари қурилишига ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида бир қатор лойиҳалар устида ишлаяпман.

Янги — 2009 йил билан Ўзбекистон ёшларини муборакбод этаман.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ, Носиржон ДЕҲҚОНОВ, Маъмуржон ПАРПИЕВ, Темур АЪЗАМ ёзиб олдилар.**




# «НАСАФ» 1 ЁШДА

«НАСАФ» тезюрар поезди ўзининг биринчи сафарини бошлаганига 1 йил тўлди. 2007 йил янги йил остонасида Тошкент темир йўл вокзалидан йўлга чиққан поезд Қарши темирйўл бекатига дастлабки йўловчиларни олиб келганди.

Поезд дастлаб ҳафтасига 2 марта қатнаб турган бўлса, эндиликда шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни йўловчилар хизматида. Олти вагондан иборат поезд таркиби 252 нафар йўловчига мўлжалланган. Атиги беш ярим соатда сизни ўз манзилингизга тез ва бехатар етказиб боради. Ўтган бир йил давомида 100 минг нафарга яқин йўловчи ана шу хизматдан баҳраманд бўлди.

**Акбар АЛИЕВ**

## ЎзХДП: 2008 ЙИЛНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**29 ЯНВАРЬ** — «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳузуридаги сиёсий семинарнинг илк машғулоти ташкил этилди.

**5 МАРТ** — «Мамлакатдаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий шароитда Ўзбекистон Халқ демократик партияси мафкурасининг асосий тамойиллари» мавзуида Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари фаоллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

**27-29 МАРТ** — «Ёшлар йили» муносабати билан Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг вазифалари мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.

**29 МАРТ** — ЎзХДП Марказий Кенгашининг VII пленуми бўлиб ўтди.

**5 АПРЕЛЬ** — «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008» кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичлари бошланди.

**20 МАЙ** — Наманганда партия «Фаол аёллар» қанотининг минтақавий форуми бўлиб ўтди. Унда Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази вакиллари иштирок этди.

**27-29 МАЙ** — Партия «Истиқбол» ёшлар қанотининг II республика конференцияси бўлиб ўтди.

**14 ИЮНЬ** — «Халқаро донорлар куни» муносабати билан «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан акция ташкил қилинди.

**20 ИЮНЬ** — «Ёш сиёсатчилар ва иқтидорли ёшлар» клуби фаолларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

**8 ИЮЛЬ** — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида «Сиёсий партиялар: ривожланиш жараёнлари» мавзуида семинар-тренинг иш бошлади.

**2 СЕНТЯБРЬ** — Партия фаоллари, депутатлар республикамиз олий, ўрта ва ўрта-махсус ўқув муассасаларида жорий ўқув йилининг илк сабоғи — «Мустақиллик дарслари»да иштирок этди.

**17 СЕНТЯБРЬ** — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроқўмининг on-line конференц-алоқа тартибида кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

**8 ОКТЯБРЬ** — ЎзХДП МК ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги сиёсий семинарнинг илк машғулоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

**2-3 ДЕКАБРЬ** — «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

**25 ДЕКАБРЬ** — Ўзбекистон ХДП фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида Бош вазир ўринбосари бошчилигидаги ҳукумат вакиллари қишки мавсумда аҳолини сифатли коммунал хизматлар билан таъминлаш борасида ахборот бердилар.

**5-10 ДЕКАБРЬ** — Минтақаларда ёшларни ҳуқуқий маданияти ва савиясини оширишга қаратилган «Мустақиллик ва Конституцияни ҳимоя этиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир» мавзуида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

## УЧ ЭГИЗАК ҚУВОНЧИ



Ўтган 2008 йил Балиқчи тумани Исломобод маҳалласида яшовчи тадбиркор Иброҳимжон Отамирзаев ва унинг турмуш ўртоғи Дилбархонга қўшалоқ қувонч келтирди. Бу бахтли оилада уч ўғил эгизак дунёга келди. Гўдакларга Ҳасан-Ҳусан, Хурсандбек деб исм қўйилди. Уларнинг Исломжон, Илёсбек отли ўғиллари қаторига яна уч паҳлавон қўшилди.

Қишлоқ врачлик пункти шифокорлари она ва эгизаклар ҳолидан хабар олиб туришибди. Учовлоннинг саломатлиги аъло.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.**

**Фалак насибамиз — қорни элаклар,**
**Ёғаётган қормас, оппоқ тилаклар,**
**Табиатнинг ерга шудир олқиши,**
**Юртимнинг қиши бу, юртимнинг қиши.**

**Булутлар ризқ сочар, кифтин тутар ер,**
**Дуогўй кексалар бу — омонлик дер,**
**Тўхтамас қуёшнинг қишда балқиши,**
**Юртимнинг қиши бу, юртимнинг қиши...**

**Гулнора ҚУРБОНОВА**



## Диққат, янги рукн!

## Қишлоқларимиз тарихи



# ТАВОИС
## ёки товуслар юрти

Юртимиз шаҳарлари ўзининг ғоятда қадимийлиги, беқиёс жозибаси, жаҳон цивилизацияси ривожида тутган муҳим ўрни билан бугун ҳам бутун инсониятни лол қолдирмоқда. **«Очиқ осмон остидаги музей»,** дея таърифланаётган, осори-атиқалар, минг йиллик меъморий обидалар қад ростлаган мамлакатимиз шаҳарларини бир бор бўлса-да кўриш орзуси билан яшаётганлар ер юзида кўплаб топилади.

Бироқ, бизнинг бу кичик тадқиқотимиз шаҳарларимиз ҳақида эмас, балки ҳар қандай шаҳарнинг вужудга келишида, тараққий этишида муҳим ўрин тутган, аниқроғи, асрлар давомида тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қишлоқларимизга бағишланади.

Давлатимиз раҳбари 2009 йилни **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»** деб эълон қила туриб, бутун башариятнинг илдизи, томири, авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалиши, она-Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча одамзод учун гўёки қишлоқ тимсолидан бошланишини алоҳида таъкидлади.

Сизга қадимдаёқ тарихчи олимлар, саёҳатчилар ва ҳатто истилочилар эътиборини ўзига тортган қишлоқларимиздан бири ҳақида тарихий манбаларга, мутахассислар мулоҳазаларига таянган ҳолда ҳикоя қиламиз.

Бугунги кунда Навоий вилояти, Қизилтепа туманига қарашли Тавоис қишлоғининг кираверишида товусга ёдгорлик ўрнатилган. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор, албатта. Қадимдаёқ бу манзилда зебу зийнат ва гўзалликни севувчи кишилар яшаган. Эътиборли томони шундаки, қишлоқ аҳолиси ўз хонадонларида товус сақлаган. Араб истилочилари қишлоқни эгаллаганларидан кейин табиатнинг бу ажойиботини, мўъжизасини кўриб, ҳайратда қолганлар ва қишлоқни «Зот ут-товоис», яъни «Товуслар эгаси» деб атаганлар.

Кейинчалик маҳаллий аҳоли «Зот ут — тавоис»ни қисқароқ қилиб «Товоис» деб номланган. Араблар келмасидан олдин «Арқуд» деб аталган бу ҳудуд одамлари ўзининг оқил ва тадбиркорлиги ҳамда моҳир савдогарлиги билан бошқалардан ажралиб турган.

Мисол учун бу ерда куз фаслида ўн кун антиқа бозор бўлган. Яъни, бошқа бозорларда сотилмайдиган қолдиқ ёки бирор-бир айби бор маҳсулотлар — чорва моллари, кулолчилик буюмлари ва бошқа нарсалар айнан шу бозорда сотилган. Бозорнинг ўзига хос қонун-қоидаси бўлиб, сотиб олинган нарсани қайтариб бериш мумкин бўлмаган. Бу ерда на сотувчи ва на олувчининг ҳеч қанақа шарти қабул қилинмаган. Бу ҳақда Наршахий «Бухоро тарихи» асарида шундай ёзади: **«Ҳар йили шу ўн кунда бу бозорга Фарғона, Чоч ва бошқа жойлардан келган савдогарлар ва турли ҳожатмандлардан ўн мингдан ортиқ киши ҳозир бўлишар ва кўп манфаат топиб қайтардилар. Шу сабабли бу қишлоқнинг аҳолиси бой кишилар эди».**

Тавоис Буюк ипак йўлида жойлашганлиги ва муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлганлиги учун маълум бир даврларда ҳатто вилоят мақомига ҳам эга бўлган. Шунингдек, Тавоис кўплаб қирғинбарот урушлар, жангу жадалларни ҳам бошидан кечирган. Дастлаб VIII аср бошларида бу ерга Қутайба бошчилигидаги араблар бостириб келади. 730 йил 17 ноябрда Қутайба билан туркийлар ва суғдийларнинг бирлашган қўшини ўртасида Тавоисда шиддатли жанг бўлиб ўтади Бу уруш тарих саҳифаларига «Тавоис жанги» номи билан муҳрланади. Миллат шаъни, ор-номусини ҳамма нарсадан устун билган аждодларимиз босқинчиларга кескин қаршилик кўрсатади, аммо кучлар ўзаро тенг эмаслигидан ёвга бас келишолмайди. Кейинчалик Қутайба ўзининг Бухородаги махсус қароргоҳини айнан мазкур қишлоқда барпо этади. Баъзи манбаларда қишлоқ ҳудудидан ўтган Абу Муслим ариғи ҳам Қутайба номи билан боғланади.

Тавоис тарихида қонли кунлар, ҳукмдорларнинг ўзаро тўқнашувлари кўп бор юз берган. Амир Исмоил ва Наср ибн Аҳмад қўшинлари ўртасидаги уруш ҳам айнан Тавоисда бўлиб ўтади.

XIII асрда мўғуллар босқини туфайли Тавоис буткул вайронага айланади. Аммо қишлоқ аҳлининг жонкуярлиги туфайли қишлоқ янгитдан қад кўтаради. Ҳатто ўрта асрларга келиб Тавоисда аҳоли гавжумлашади ва қишлоқ Тавоиси Боло ва Тавоиси Поёнга бўлинади. XIX-XX асрларда бу мавзе Бўйон деб ҳам аталган.

Тавоисликлар ўз қишлоқларининг шонли ўтмиши билан ҳамиша фахрланади. Мана шу табаррук заминда туғилиб, довруғ қозонган юртдошларимиздан бири — Абу Бакр Муҳаммад ат-Тавоисийдир. Бу киши манбаларда фозил фақиҳ, ишончли ровий, дея қайд этилган. У уламолардан, уламолар эса ундан ҳадис ривоят қилганлар. Машҳур муҳаддис милодий 955 йилда Самарқандда вафот этган. Шунингдек, Тавоисда яна бир таниқли олим — Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний ҳам яшаб ўтган. У асосан котиблик билан шуғулланган. Саркотиб унвонига сазовор бўлган. Манғит уруғи тарихи ҳақида изланишлар олиб борган.

Нафақат кўҳна тарихи, балки бугуни ҳам нурафшон Тавоис Истиқлол йилларида қайтадан чирой очди. «Бўстон» фуқаролар йиғинига қарашли мазкур қишлоқда ҳозирги кунда 791 та оила истиқомат қилади. Бу ерда 4-умумтаълим мактаби, Қизилтепа маиший хизмат касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу таълим даргоҳларида минглаб ёшлар илм-фан сирларини ўрганмоқда. Шунингдек, ушбу ҳудудда замонавий қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, ушбу тиббиёт муассасаси тавоисликларга малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Қишлоқ аҳли шу ерда туғилиб, вояга етган йирик тилшунос олим, филология фанлари доктори, марҳум Рауф Сайфуллаев ҳамда унинг фарзанди — ЎзМУ ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, профессор Раъно Сайфуллаева билан ҳам ҳақли равишда фахрланади.

Мухтасар қилиб айтганда, бир кичик мақолада Тавоис қишлоғи, унинг ўтмиши ва бугуни ҳақида батафсил маълумот беришнинг имконияти йўқ. Биз келажакда бу изланишларимизни давом эттириб, қишлоқларимиз тарихини муҳим тадқиқот объектига айлантиришни ният қилганмиз. Чунки тарих ҳамиша тўғри хулосалар чиқариш ва ўтмиш билан бугунни, бугун билан келажакни таққослаш имкониятини беради. Ҳа, тарих адолат тарозиси унинг паллаларидаги залворли ҳақиқатларни юзага чиқариш барчамизнинг, айниқса соҳа мутахассисларининг муқаддас вазифасидир.

***Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,***
***ЎзМУ тарих факультети талабаси***

## Янги йил орзулари



**Екатерина ХИЛЬКО, трамполин бўйича Пекин олимпиадаси бронза медали совриндори, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби.**

**— Ёшлар йилида мен спортдаги энг катта ғалабамга эришдим. Жаҳон кубоги ва саралаш мусобақаларидаги кескин курашларда бор маҳоратимни намойиш этиб, олимпиада йўлланмасини қўлга киритдим. Пекин олимпиадасида кўплаб тажрибали рақибларимни ортда қолдириб, бронза медалига сазовор бўлдим. Ватанимизга қайтиб келганимда, спортдаги камтарона хизматларим Президентимиз томонидан юқори баҳоланиб, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонига муносиб кўрилганимни эшитганимда кўзларимга севинч ёшлари келди.**

**Спортчига, спортга шундай юксак ҳурмат-эътибор кўрсатилаётган юртда яшаётганимдан фахрланаман. Шу боис Пекин олимпиадасидан кейиноқ машғулотларга қизғин киришдим. Ниятим, менга билдирилган юксак ишончни спортдаги янги ғалабаларим билан оқлашдир. Келажакдаги мақсадим эса Лондон олимпиадасида ҳам муваффақиятли қатнашиш.**

**Барча спортчи, мураббийларни, юртдошларимизни кириб келаётган Янги йил билан табриклайман. Спортда ҳам, ҳаётда ҳам барчамизга муваффақият ёр бўлсин.**

## Таҳририятимиз меҳмони



# ДУНЁНИНГ МАШҲУР КАРИКАТУРАЧИЛАРИДАН БИРИ

**Таниқли рассом Маҳмуд Эшонқулов 1958 йилда Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, «Толов» қишлоғида туғилган. 1994 йилда Тошкент давлат педагогика университетининг Бадиий графика факультетини тамомлаган. 2004 йилдан Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг аъзоси. Республикамиз ва хорижий мамлакатларда ўтказилган 300 дан ортиқ карикатура кўргазмалари, танлов ҳамда фестивалларда иштирок этиб, 64 маротаба ғолиб бўлган. Айрим расмлари Япония, Болгария, Бразилия, Сербия, Италия, Туркия каби давлатларнинг юмор ва карикатура музейларида сақланади. Унинг номи «Дунёнинг 100 та буюк карикатурачи-рассоми» рўйхатига киритилган.**

— 2008 йил мен учун жуда омадли келди, — дейди Маҳмуд Эшонқулов. — Президентимиз Фармони билан «Дўстлик» орденига сазовор бўлдим. Мукофотланганлар рўйхатида фамилиямни кўргач, энг аввало, кўз олдимга раҳматлик онам, мана шу соҳани эгаллашимга меҳнати синган устозим Икромжон Акбаров ва менинг барча инжиқликларимга бардош бериб, рўзғор юкини нозик елкасида кўтариб, ижод қилишимга шароит яратиб берган умр йўлдошим Мавлудахон келди.

Болалигимдан расм чизганман. Уйимизга «Муштум» журнали келарди. Мактабни битиргач, бироз муддат савдо соҳасида ишладим. Рассомчиликка бўлган қизиқишим менга ҳеч тинчлик бермасди. Карикатураларимни «Муштум»га жўнатиб турардим. 1991 йилда биринчи марта мазкур жу(р)налда чизган суратим эълон қилинди. 1997 йилда эса Туркияда бўлиб ўтган халқаро танловда иштирок этиб, махсус мукофот билан тақдирландим.

2008 йил давомида тинчлик, иқтисодиёт, экология, хусусан, глобал исиш, сув муаммоси билан боғлиқ мавзуларда карикатуралар яратдим. Шунингдек, чизган карикатураларим билан Эрон, Исроил, Сербия, Туркия, Руминия, Польша, Аргентина, Непал, АҚШ каби давлатларда ўтказилган танлов, фестиваль ва кўргазмаларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритдим. 2009 йилда ҳам Эрон ва Португалияда бўлиб ўтадиган танловларга асарларимни юбормоқчиман.

Карикатура ҳар қандай одамни кулишга, йиғлашга, фикрлашга мажбур қилади. Очиғи, мавзу топиш ҳам ўзига хос маҳорат. Бунда, албатта, рассомдан зийраклик, кузатувчанлик талаб этилади. Шахсан мен карикатураларим мавзусини бадиий адабиётлардан, дунёда содир бўлаётган ҳар кунги воқеа-ҳодисалардан, шунингдек, кўча-кўйдаги одамлар суҳбатидан оламан. Бироз каллада пишитиб, кейин уни қоғозга тушираман. Бундан ташқари, дунёда нашр этиладиган карикатура журналларини, Интернет сайтларини, Херлуф Бидструп, Борис Ефимов, Юрий Кособкин каби жаҳонга машҳур карикатурачиларнинг ижодини кузатиб бораман.







Ҳаётим давомида кўп инсонларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлганман. Ана шундай кишилардан бири: **«Ҳар доим савобли иш қил, одамларга яхшилик қил»,** деган эди. Янги йилда бу эзгу амални рўёбга чиқариш ҳар биримизга насиб этсин.

***Маъмуржон МАҲМУД ёзиб олди.***

## Қариси бор уйнинг париси бор

# БИР ЮЗУ БИРИНЧИ ЯНГИ ЙИЛ



Марғилоннинг Галатой маҳалласидаги бу хонадонда Янги йил байрамига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Болажонлар турфа хил безаклар ясаб, мўъжазгина хонани безатишди. Ёш келинлар елиб-югуриб бир маҳаллага етгулик ширинликлар, ёғли қатлама, сомса ёпаяпти, бошқалари дастурхон тузаяпти.

Бу ҳаракатлар ушбу хонадоннинг мўътабар дуогўйи, Ҳанифахон Тошибоеванинг муборак туғилган кунини кутиб олиш ҳозирлигидир. Чунки 1 январда табаррук онахон 101 ёшга тўлдилар.

— Аллоҳ шунча умр, ризқ берганига беадад шукрлар бўлсин, — дейди онахон ҳали у, ҳали бу болакайларни қучоғига оларкан. Ора-орада: — Ҳай, сен ўзи кимнинг боласисан, — деб сўраб ҳам қўяди.

Ҳанифахон она ибораси билан айтганда, ҳазил гапми, тўрт фарзандидан топган 31 невара, 53 чевара, яна бир уй эвара, дуваралар исмини, чеҳрасини ёдда сақламоқ.

— Шундай бахтли замонлар бўлар экан, афсус, Солижон бобонгизга насиб қилмади. Раҳматлик хўжаликда кечаси билан тошфонар кўтариб сувчилик қиларди, елкасидан кетмон тушмасди. Кўз ёрарга саноқли кунлар қолганда ҳам далага чиқиб чопиқ қилганман. Мана қаранг, Янги йил деб ҳамма жойда байрам. Бизга байрам қайда эди? Декабрнинг охирги кунлари ҳам кўсак териб, тонготаргача чувир эдик. Эрталаб чувилган пахтани уйимиздан олиб кетишарди. Раҳмат ўрнига, норма деган балони рўкач қилиб, Янги йил куни ҳам таъбимизни хира этганлари ҳали-ҳали эсимда. — Ҳанифахон она рўмолини учи билан кўз ёшларини артар экан, бир зум сукутга ботди. Сўнг давом этди: — Очарчилик йиллари маккажўхорини тегирмондан ўтказиб, ҳали зоғора, ҳали атала пиширардик. Бугунги дастурхондаги тўкинчиликни қаранг. Болаларим, бунинг қадрига етинглар...

Ҳанифахон она дуога қўл очдилар:

— Мамлакатимизни шундай фаровонликка олиб келган Юртбошимиз омон бўлсин. Юртимизнинг тинчлиги, фарзандларимизнинг бахтли ҳаётига Аллоҳ бардавомлик берсин. Янги йил ҳаммага омад келтирсин.

***Муҳаммаджон ОБИДОВ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири.***
***Сурат муаллифи Абдуҳаким РАҲМОНОВ***

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: **Behzod SHUKUROV**

**Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**
Sahifalovchi-dasturchi: **Sobirjon TUNG`ATOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.**
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 50
*15204 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6 7
**Sotuvda erkin narxda**